


# TAFAKKUR ZIYOSI

*Тафаккур зиёси 1/2021*  
ilmiy uslubiy jurnal



## **БОШ МУҲАРРИР**

**Шавкат Шарипов –**  
педагогика ф. д., профессор

## **БОШ МУҲАРРИР ЎРИНБОСАРЛАРИ**

**Усмонжон Қосимов –** фил. ф. д.  
**Ғайрат Қодиров –** биология ф. н., доц

## **МАСЪУЛ КОТИБ**

**Фаррух Ақчаев –** тарих  
ф. б. ф. д., (PhD)

## **ТАРЖИМОНЛАР:**

**Намоз Каримов,**  
**Элдар Ҳасанов**  
(рус тили)

**Камолиддин Нормуродов**  
(инглиз тили)

## **САҲИФАЛОВЧИЛАР**

**Гулжакан Кадирова**  
**Адолат Ускинбоева**

## **НАВБАТЧИ МУҲАРРИР:**

**Феруза Жўмаева –** филология  
ф. б. ф. д., (PhD)

## **Журнал андозаси Ахборот технологиялари марказида**

**Расулжон Мелиқузиев**  
томонидан тайёрланди

**Муассис - Жиззах давлат  
педагогика институти**

Журнал йилда 4 маротаба  
(ҳар чоракда) чоп этилади.

Матнларда фойдаланилган кўчирма  
ва маълумотлар аниқлиги учун  
муаллифлар масъулдорлар.

Журналдан кўчириб босилгандан  
манба қайд этилиши шарт

## **ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ АЪЗОЛАРИ**

Анатолий Сагдуллаев – тарих ф. д., академик

Комилжон Тожибоев – биология ф. д., академик

Жак Микловик – INSHEA университети профессори (Франция)

Василий Кочурко – Баранович ДУ профессори, техника ф. д.  
(Белоруссия)

Гулсем Лекерова – психология ф. д., профессор (Жануб.  
Қозогистон)

Фурқат Жўрақулов – сиёсий ф. д., доцент

Ботир Тўхтамишев – техника ф. н., доцент

Сарвар Назарқосимов – социология ф. б. ф. д.

Бахтиёр Тўраев – фалсафа ф. д., профессор

Холбўта Туракулов-техника ф. д., профессор

Бахти Очилова - фалсафа ф. д., профессор

Қозоқбой Йўлдошев – педагогика ф. д., профессор

Умрзоқ Жўманазаров – филология ф. д., профессор

Абдуғафур Маматов - филология ф. д., профессор

Раҳматулла Бекмирзаев – физика-математика ф. д., профессор

Ойбек Ахмедов – филология ф. д., профессор ЎзДЖТУ

Фания Ахмедшина – тарих ф. д., профессор

Ҳамид Мелиев – педагогика ф. н., профессор

Худойберган Мавлонов – биология ф. д., доцент

Қўчқор Ҳакимов – география ф. н., профессор в.б.

Исламов Илёс – тарих ф. д., доцент

Рустам Абдурасолов – психология ф. д., доцент

Зухра Яхшиева – кимё ф. д., доцент

Мухторқул Пардаев - тарих ф. н., доцент

Раббим Юсупов – техника ф. н., доцент

Олег Ким – филология ф. н., доцент

Камолиддин Зойиров – педагогика ф. н., доцент

Абдували Шамсиев – иқтисод ф. н., доцент

Суннатулло Соипов – филология ф. н.

Юлдуз Каримова – филология ф. н., доцент.

Омон Исаров – филология ф. н., доцент.

Шерали Абдураимов – педагогика ф. б. ф. д., доцент

Фурқат Ахмедов - педагогика ф. н., доцент

Тўйчи Ахмедов – тарих ф. б. ф. д.

Журнал Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий Аттестация комиссиясининг филология,  
фалсафа ва педагогика фанлари бўйича эксперт кенгаши (2018-йил 29-декабрдаги 260/б-сон баённомаси) тавсияси  
билин нашрлар рўйхатига киритилган.

**Журнал Жиззах вилояти Ахборот ва оммавий коммуникациялар бошқармасидан 2020-йил 25-апрелда 06-042 рақам  
билин қайта рўйхатга олинган. Журналнинг халқаро ISSN рақами: 2181- 6131**

**МАНЗИЛ: 130100, Жиззах шаҳри,  
Ш. Рашидов кўчаси, 4-йй, бош бино  
ТЕЛЕФОН: (99872) 226 02 93,  
(99897) 644 84 44  
ФАКС: (99872) 226 46 56**

**ЖИЗЗАХ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ  
МАТБАА БЎЛИМИ**

**Жиззах шаҳри, Шароф Рашидов кўчаси, 4-йй  
2021-йил 25- март куни босмахонага топширилди.  
Қоғоз бичими А4 Буюртма:  
Нашр адади: 100**

# MUNDARIJA

## ТАҚВИМ:

У.А.Жуманазаров, А.Эргашев.	Алишер Навоий ҳақидаги янги достон .....	3
З.У.Мамадалиева.	Алишер Навоий маърифатини англаш йўлида .....	6
Ш.Н.Амонов.	Аҳмад Табибийнинг Алишер Навоий фазалларига ёзган мухаммаслари .....	8

## ПЕДАГОГИКА-ПСИХОЛОГИЯ ВА ИННОВАЦИОН ТАЪЛИМ

T.Kavilova.	The meanings of foreign languages in the professional activity of future specialists .....	12
У.У. Жуманазаров.	Рақамли таълимнинг структураси ва моделлари.....	15
А.К.Каримов, З.Марданов.	Рангларнинг мактабгача ўшдаги бола психологиясига таъсири .....	19
X.S.Akramova, A.J.Tajimuratov.	Nutqi to'liq rivojlanmagan bolalarning xotirasini kuchaytirish asoslari .....	21
L.T.To`raqulov.	Mehribonlik uyi o'smirlarining ijtimoiylashuvidagi miammolar .....	23
D.E.Tangirova, M.B.Olloqulov.	Aqli zaif bolalarning bilish faoliyatini o'r ganishning psixologik omillari .....	25

## АМАЛИЙ ФАНЛAR

М.С.Олимов.	Қисқа масофага югурувчи спортчиларнинг функционал тайёргарлигининг тузилиши.....	27
Б.А.Султонов.	Спортчининг ривожланишига мақсадли таъсир кўрсатишнинг ўзига хос хусусиятлари .....	30
Б.Б.Мусаев, С.Нурмаматова.	Комплекс поводящих упражнений в обучении основам ходьбе в фигуровом катании .....	33
А.Маҳамматов, А.Жумаев.	Мусиқий таълим ва тарбияда замонавийлик .....	36

## ИЖТИМОИЙ ФАНЛAR

М.Ҳошимхонов.	Машраб ва Иброҳим Адҳам .....	38
А.И.Саиткосимов, С.И.Назарқосимов, Ж.Исаҳонов.	Социальные механизмы обеспечения благополучия общества и человека .....	41
М.В.Ахметжанова.	Бадиий-эстетик ижоднинг методологик масалалари .....	44
З.Бозорбоева.	«Оммавий маданият» таҳдида ва унга қарши курашнинг маънавий асослари .....	46
А.Р.Самадов.	Идеал ва эстетик идеал тушунчаларининг фалсафий қадриятлар тизимидағи ўрни .....	49
Т. М. Бурханов.	Ёшларнинг маънавий салоҳиятни юксалтириш масалалари .....	54
Г.Н.Наврӯзова.	Абдураҳмон Жомий ижодида Баҳоуддин Нақшбандга хос сифатлар тавсифи .....	57
Ф.Ш.Ақчаев, Ж.Қовулов.	Жиззах воҳасида дараҳтларни муқаддаслаштириш билан боғлиқ қарашлар .....	60
С.Кистаубоев., А.Аманлаев.	“Экологик дунёқараш” тушунчасининг ижтимоий-фалсафий моҳияти таҳлили .....	63
Х.У.Саматов.	Хожа Юсуф Ҳамадоний таълимотида ҳалқ билан мулоқот масаласи .....	65
С.Исмоилов.	Нақшбандия тариқатининг диний-фалсафий илдизлари .....	68

## ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ

Т.Жумаев.	Лисоний реликт тарихий қолдиқ сифатида .....	71
А.Тилавов.	Эпос ва этнос муштараклиги.....	73
X.Xolmurodov.	Farhod obrazining "Badoyi' ul-bidoya" devoni dagi tavsifi .....	76
Х.Б.Тожиева.	Турди ижодида ўзбек уруғларининг бадиий таснифи .....	79
Ф.Жумаева.	Қўшма сўзларнинг семантик курилиши .....	81
Г.А.Холбоева.	Мактабгача тарбия ёшидаги болалар китобхонлиги .....	84
К.А.Абдуллаев.	"Барҳаёт-Бобур" мавзусидаги адабий кечани ўқитувчилар ҳамкорлиги .....	87
Ш.Х.Джаббаров.	Вақт концептосферасига лингвофалсафий ёндашув(Ўзбек ва инглиз тили мисолида) .....	90
Ш.А.Шералиева.	Диний фразеологик бирликлар тадқиқининг назарий асослари .....	93
М.Сайфуллаев.	"Ал-изоҳ" журналининг тадқиқининг таълимотида ҳалқ билан муҳитидаги ўрни .....	95

## ТАБИИЙ ВА АНИК ФАНЛАР

А.Алишев, Ж.Муртозаев, А.Алишев.	Кичик параметрга боғлиқ бўлган юқори татибли чизиқли бўлмаган дифференциал тенгламалар системасининг асимптотик ечимлари .....	97
Б.Ботиров, А.Усмонов.	Миллий услуб ва замонавий инновациялар уйғунлигига асосланган туризм хизматларини ташкил этиш .....	101
Ш.Р.Бобобеков.	Des шифрлар алгоритмини ўқитиш усуллари .....	104
М.М.Жабборов.	Табиий фанларни ўқитишида steam ёндашув .....	108
П.М.Жалолова.	Атом физикасига оид моделлаштирилган ишланмаларни яратиш ва тақдим қилиш методикаси .....	110
O.Karimova.	Fizikani o'qitishda didaktik o`yinlarning ahamiyati .....	113
Э.Н.Худайбердиев, К.Р.Насриддинов., Л.Қ.Самандаров.	Физикани ўқитишида тарихий – биографик тамойилларнинг аҳамияти .....	115

## ЁШ ТАДҚИҚОТЧИЛАР

B.M.Yalgashev.	Some aspects of the marriage ceremonies of samarkand region .....	118
Ф.З.Тиляева.	Ёшларнинг эстетик тарбиясини китобхонлик воситасида ривожлантириш .....	120
Р.М.Соатов.	Машраб шеъриятида тасаввуф талқини .....	123
М.Жўраев, М.Хидирова.	Истиқлол даври адабиётшунослигидаги етакчи тамойиллар .....	125
Д.А.Қурбонова.	Инглиз тили дарсларида ўқувчиларнинг бағрикенглик компетенциясини шакллантириш омиллари .....	129
Ж.Р.Туробов.	Инглиз тилини ўқитишида темир йўл соҳасига оид атамаларни ўргатиш усуллари .....	132
Z.M.Khayatova.	A reflection of social-cultural life in literature .....	136
Р. Н.Эргашев.	Эстетик маданият – шахс камолотининг омили .....	139
О.Р.Анарбаев.	Параллел матнлар корпуси ҳозирги кун таржимонининг замонавий иш қуроли сифатида .....	142
J.Xoliqulov.	"Tavorix ul-xavonin" asarida turlı lavozimlarni anglatuvchi terminlarning ishlatalishi .....	146

# “БАРҲАЁТ-БОБУР” МАВЗУСИДАГИ АДАБИЙ КЕЧАНИ ЎТКАЗИШДА ЎҚИТУВЧИЛАР ҲАМКОРЛИГИ

Комилжон Абдуғаниевич Абдуллаев · п.ф.н. Наманган давлат университети

**Аннотация:** Мақолада “Барҳаёт-Бобур” мавзусидаги адабий кечани ўтказиши турли фан ўқитувчиларининг ҳамкорлигидан фойдаланиш усуллари кўп ийллик амалий тажрибалар асосида кўрсатиб берилган.

**Аннотация:** В статье показаны методы использования сотрудничества учителей разных дисциплин на основе многолетнего практического опыта при проведении литературного вечера на тему “Барҳаёт-Бабур”.

**Abstract:** in the article, the methods of using the cooperation of different teachers of Science in conducting a literary evening on the topic “Barhayot -Babur ” are shown on the basis of many years of practical experience.

**Калит сўзлар:** Захириддин Муҳаммад Бобур, адабий кеча, адабиёт, тарих, мусиқа, расм, география, биология, саҳна, слайд, кўргазмалар, мувашшах, ғазал, қўшиқ.

**Ключевые слова:** Захириддин Муҳаммад Бабур, литературный вечер, литература, история, музыка, живопись, география, биология, сцена, слайд, выставки, мувашшах, газель, песня.

**Keywords:** Zahiriddin Muhammad Babur, literary night, literature, history, music, painting, geography, biology, stage, slideshow, visions, muvashshah, gazal, song.

Адабиётдан ўтказиладиган синфдан ташқари ишларнинг энг кўп тарқалган шаклларидан ҳисобланган адабий кеча шаклларидан ҳисобланади. Бундай тадбир турли фан ўқитувчилари билан биргаликда ўтказилган тақдирида унинг самарадорлиги янада ошади: ўқувчиларнинг билим доираси кенгаяди, мустаҳкамланади; уларда ёрқин ва кучли таассуротлар пайдо бўлади, бадиий ва эстетик дидлари ривожланади; ўқувчилар ва ўқитувчилар аҳил жамоа бўлиб ўюшадилар.<sup>1</sup>

Кўйида Наманган шаҳридаги 75-умумий уртатълим мактабидатурли фан ўқитувчилари ҳамкорлигига “Барҳаёт-Бобур” мавзусида ўтказилган адабий кечанинг режаси ва қисқача мазмунини намуна сифатида келтирамиз.

Адабий кечанинг асосий мақсади Захириддин Муҳаммад Бобурнинг ҳаёти ва ижодини чуқурроқ ўрганиш, ўқувчиларнинг адабиёт, тарих, мусиқа, расм, география, биология фанларидан олган билимларини умумлаштириш, уларни Ватанга, табиатга муҳаббат, бурчга садоқат руҳидат тарбиялашдан иборат бўлиб, қўйидаги режа асосида ўтди:

1. Адабиёт ўқитувчисининг кириш сўзи.

2. Тарих, адабиёт, мусиқа, расм, география, биология фани ўқитувчилари томонидан тайёрланган маъруза-тақдимотларни тинглаш.

3. Бадиий қисм:

а) “Юлдузли тунлар” романни ва шоир асрлари асосида тайёрланган “Барҳаёт-Бобур

” номли саҳна кўриниши намойиши.

б) Бобур ғазаллари, рубоийларидан намуналар эшлиши; ғазаллари асосидаги қўшиқлардан тинглаш; шоир ҳақида яратилган асарлардан парчалар ўқиш.<sup>2</sup>

4. Кечани якунлаш.

Кечани ўтказиладиган зал юксак дид билан безатилади.

Саҳна. Саҳнанинг тўрида Захириддин Муҳаммад Бобур портрети, атрофида шоир ҳақида буюк шахсларнинг фикрлари, ўз асарларидан олинган парчалар кўргазма шаклида ёзиб илинган ёки слайдлар шаклида намойиш этиб турилиши ҳам мумкин. Ана шулардан айримларидан намуна келтирамиз:

“Бобур-дилбар шахс, Уйғониш даврининг типик ҳукмдори, мард ва тадбиркор бўлган, у санъатни, адабиётни севарди, ҳаётдан ҳузур қилишини яхши кўрарди. Унинг набираси Ақбар яна ҳам дилбарроқ бўлиб, кўп яхши фазилатларга эга бўлган”.

(Жавоҳирлаъ Неру)

Бори элга - яхшилиф қилғилки, мундин яхши йўқ,  
Ким дегайлар, даҳр аро қолди фалондин яхшилиф.  
(Захириддин Муҳаммад Бобур)

“Бир одамда бутун бир халқнинг хусусиятлари жамланиши ва юзага чиқиши мумкин деб ўйланаман баъзан. Масалан, Гёте немис халқининг, Достоевский русларнинг, Шекспир инглизларнинг мужассам тимсоли бўлиб кўринади менга. Ўзбекларнинг шундай одами борми? Бор, дейман ўзимга- ўзим. У -Бобур.<sup>3</sup> Ўзбекларнинг, қолаверса, барча

1 Бобур Захириддин Муҳаммад. Бобурнома /Захириддин Муҳаммад Бобур; Таҳрир ҳайъати А.Қаюмов, Х.Султонов, Б.Алимов ва бошк; Халқаро Бобур фонди. - Т.: Ўқитувчи, НМИУ, 2008. - 2886.

2 Захириддин Муҳаммад Бобур энциклопедияси / Таҳрир ҳайъати А.Қаюмов ва бошк. Бош мухаррир: А.Аъзамов. - Т.: “Шарқ”, 2014. - 7446, 24-бет).

3 Мирсайдуллаев Мирмаҳмуд. Захириддин Муҳаммад Бобурнинг буюк мероси. (Матн) / М.Мирсайдуллаев. - Тошкент: “TURON - IQBOL”, 2017.-208 б.

## ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ

туркий қавмларнинг ўзига хос хусусиятларини ўз шахсида жамлаштирган сиймолардан бири Заҳириддин Мұхаммад Бобур эди".

(Иброҳим Гоғууров)

Ироғи Форс гар етса бу шеъринг, эй Бобур,  
Ани ҳифз этгуси Ҳофиз, мусаллам тутқуси Салмон  
(Заҳириддин Мұхаммад Бобур)

Үнг томонда шоирнинг асарлари, ҳаёти ва ижодига оид китоблар, ўқувчилар иштирокида түпланган газета ва журнал материалларидан "Шаҳаншоҳ - ижодкор", "Бобур - давлат арбоби", "Саркарда ва шоир", "Иккинчи ҳаёт билан яшаётган сиймо" каби мавзулардаги китоб ва суратлар кўрмазмаси ташкил этилган.

Чап томонда ўқувчилар томонидан тайёрланган расмлар, альбомлар, слайдлар, тақдимотлар, турли хилдаги жадваллар, каштачилик намуналари ўрин олган. Айниқса, "Бобур" портрети, "Бобур қадамжолари" харитаси, "Бобур тимсоли адабиёт ва шажараси", "Бобур тимсоли адабиёт ва санъатда" номли кўргазмалар ўқувчиларнинг изланганиклиаридан, ижодий-мустақил фикр юрита олганникларидан, оз бўлса-да, шоир шахсига бўлган муҳаббатларини ифода эта олганникларидан далолат беради.<sup>4</sup>

Адабий кечани бошқараётган адабиёт фани ўқитувчиси буюк шоирнинг ўзбек тили ва адабиёти хазинасини бойитишга қўшган хизматлари, жаҳон маданияти ривожланишида тутган ўрни ҳақида қисқача маълумот бергач, тутган ўрни ҳақида қисқача маълумот бергач, алоҳида мавзуларни ёритувчи маърузачилар ва бошқа сўзга чиқувчиларга навбат беради.

Турли фан материаллари асосида тайёрланган маърузалар қўйидаги мавзуларни ўз ичига қамраган.

Тарих фани бўйича: "Бобур ва у яшаган давр" (Фарғонанинг XV-XVII асрлардаги ижтимоий ҳаёти, Бобурнинг оиласи мухити, унинг таҳтга чиқиши, марказлашган давлат учун кураши, Шайбонийхон билан бўлган жанглар ва Бобурнинг Ўтра Осиёдан чиқиб кетиб, аввал Афғонистонда, сўнг Хиндистонда катта давлат тузиши ҳақида) мавзусида маъруза қилинади.

Маърузачи : тарих фани ўқитувчиси И. Шералиев

Ўзбек тили ва адабиёти бўйича:

"Бобур - серқирра ижодкор" (Шоирнинг адабий мёроси, лирикаси, кўпроқ "Бобурнома" асарининг бадиий таҳлили ҳақида) ва "Хумоюннома-тарихий- бадиий, мемуар асар" (Бу асар Бобурнинг қизи Гулбаданбегим томонидан ёзилганлиги, унда Бобур ва унинг ўғли Ҳумоюн тўғрисидаги хотиралар, тарихий воқеалар жамлангани хусусида) мавзуларида

маърузалар тингланади.

Маърузачилар: адабиёт фани ўқитувчиси

М.Раҳмонова

11-синф ўқувчиси Н.Қаюмова

Мусиқа ва расм бўйича:

"Бобур ва мусиқа" (Бобурнинг мусиқага муносабати, ғазалларига басталанган куйлар, уларнинг ижроҷилари ҳақидаги маълумотлар) ва "Бобур- мусаввирларимиз нигоҳида" (Шоир сиймосининг мусаввирларимиз томонидан гавдалантирилиши, "Бобурнома" гаишланган расмлар тўғрисидаги фикрлар) мавзуларидаги маърузалар тингланади.

Маърузачилар: мусиқа фани ўқитувчиси С. Обилов

11-синф ўқувчиси

С.Домлажанова

География ва биология бўйича:

"Бобурнома"да географик номлар таърифи (Фарғона водийси шаҳар-ларининг тасвири, чегаралари, тоғлари, дарёлари, иқлими, табиий бойликлари тўғрисидаги фикрлар) ва "Бобурномада табиат тасвири" (Фарғона водийсининг табиати, ўсимликлари ва ҳайвонот дунёсининг ифодаланиши хусусида) мавзусидаги маърузалар эшитилади (Маъруза давомида "Бобурнома"дан маъруза мазмунига мос парчалар - шаҳарлар, табиат манзаралари тасвири ўқувчилар томонидан ифодали ўқиб турилади, мустақиллик йилларида улуғ бобомиз юртида қад кўтараётган улкан иншоотлар, кун сайн чирой очиб бораётган шаҳарларимиз кўрки тасвиirlари видеотасма орқали намойиш этиб турилади).<sup>5</sup>

Маърузачилар: география фани ўқитувчиси

М.Ҳакимов

Биология фани ўқитувчиси О.Қўчқоров

Кечанинг бадиий қисми "Юлдузли тунлар" романи ва шоирнинг ўз асарлари асосида тайёрланган "Барҳаёт - Бобур" номли саҳна кўриниши билан бошланади.

Маърузалар тугагач, парда ёпилади. Адабиёт ўқитувчиси ана шундай забардаст шоир ҳаётининг сўнгги йиллари ҳақида қисқача маълумот бергач, парда ортидан мунгли мусиқа эшитилади ва Заҳириддин Мұхаммад Бобурнинг ўлим тўшагида опаси Хонзода бегим, турмуш ўртоғи Моҳим бегимга улардан рози эканлигини билдириши, ўғли Ҳумоюнга "Бобурнома"ни ва таҳтни топшириши, уни фидойиликка, мардликка ундаши, туғилиб ўсган юрти-Андижон билан алоқани узмаслигини уқтириши; меъмор Фазлиддинга абадий оромгоҳи Кобулда, тоғ тепасида бўлиши, шоирона бир тарихизишини васият қилиши ва вафот этишини

<sup>4</sup> Султон Хайридин. Бобурнома (Матн). Маърифий роман /Х.Султон. - Т.: "Маънавият", 2019. - 464 б.

<sup>5</sup> Тўхлиев Б. Адабиёт [Матн]. 10-синф: дарслик-мажмуя. 1-қисм. /Б.Тўхлиев [ва бошк.]. - Тошкент: "Ўзбекистон миллӣ энциклопедияси" Давлат илмий нашриёти, 2017. - 1846.

жуда таъсирли ифодалаган саҳна кўриниши намойиш қилинади.

**Бобур вафот этди. Лекин унинг асарлари беш асрдан ошдики, тирик. Ҳамон одамларга маънавий озиқ ва завқ беряпти.**

Парда очилади.

Саҳнада ярим доира шаклидаги бир гурух ўқувчилар пайдо бўладилар. Улар Бобур байтларидан намуналар айтиб, қўлларидаги зарҳал ҳарфлар билан “Барҳаёт -Бобур” номли мувашшаҳ ҳосил қиласидилар:

Бори элга яхшилик қилғилки, мундан яхши йўқ,  
Ким дегайлар, даҳр аро қолди фалондин яхшилиғ.  
Оlam аҳли бирла оламдин манга сенсиз гараз,  
Зоти покинг бўлмаса, оламда одам бўлмасун.  
Бу насиҳатим англа, не билур киши ёнгла,  
Не бўлур экин тонгла, сен бугун ғанимат тут.  
Улусдин тинмадим умрумда ҳаргиз лаҳзасе, Бобур,  
Магар ўлсам, бу олам аҳлидин бўлғаймен осуда.  
Рафторию қаддиға равоним садқа,  
Бир бокишиға икки жаҳоним садқа.  
Бўлмадим умримда бир дам хотири хуррам била,  
Гарилиқдин келса бир дамни кечурманг ғам била.  
Агарчи ёр ишқи нотавон кўнглимға ўт солди,  
Валемен нотавонул ёр ишқидакўнгилсолмон.  
Раҳматназарини манга сол, хуш қолғил,  
Сен, лола узор, яхши қол, хуш қолғил.  
Ҳар нечукдир умрни, Бобур, хуш ўткармак керак,  
Ким бу беш кун умр ғамгин бўлғали қилмас гари.  
Анингдек бўлмишам ҳайрон қуёш янглиғ юзунглаким,  
Қуёшдек наизалар тегса кўзимга, кўз ола олмон.  
Ёз фасли, ёр васли, дўстларнинг сұхбати,  
Шеърбаҳси, ишқ дарди, боданинг кайфияти.  
Тортиб афон, оҳ уриб ҳижронда, Бобур йигласанг,  
Навҳа тузгай базми ғам аҳли бу зеру ҳам била.  
Диёру ёрдин Бобур жафоу жавр кўп кўрди.  
Хуш улким, ёрдин қатъ айлабон, тарки диёр этса.  
Ироғи форс гар етса сенинг бу шеъринг, эй Бобур,  
Ани ҳифз этгуси Ҳофиз, мусаллам тутқуси Салмон.  
Раҳмингни кўнгул тилар, анго қилғайсен.  
Захмингни кўнгилга бехато қилғайсен.

Шу ўринда ушбу мувашшаҳдан кўзланган мақсадни таъкидлаб ўтамиз.

Шоирнинг турли жанрдаги лирик асарларидан олинган, тематик жиҳатдан ранг - баранг бўлган бу байтлар:

а) Бобурнинг ўлими тасвирланган саҳна кўринишидан кейин йигилганларга“Бобур -

барҳаёттир” деган янги руҳ бағишлиайди;<sup>6</sup>

б) шоир лирикасининг тематик ранг - баранглигини ифода этади;

в) ўқувчиларни эстетик ваахлоқийжиҳатдантарбиялайди;

г) бундан кейин ижро этиладиган шеърларнинг умумий ғоясини акс эттиради.

Шундан сўнг ўқувчилар шоирнинг “Чархнинг мен кўрмаган жавру жафоси қолдиму”, “Ёз фасли, ёр васли”, “Хазон япроғи янглиғ”, “Қарозулфингфироқида”, “Қуёшким ҳар сориға азм қилса”, “Ўлум уйқусиға бориб” каби мисралар билан бошланадиган ғазалларидан намуналарни ифодали ўқийдилар. Ҳаваскор ёшлар ва санъаткорлар томонидан Бобур ғазаллари билан айтиладиган қўшиқлар ижро этилади. Шоир ҳақида яратилган асарлардан намуналар ўқилади.

Кеча якунида тадбир ташкилотчилари, ташабускорлар ва фаол иштирок этган ўқувчилар мактаб раҳбарияти томонидан тақдирланади. Мактаб ўқитувчилари жамоаси, ота-оналарнинг фикр-мулоҳазалари тингланади.

Кўпийиллик тажриба ва кузатишлиаримизга асосланиб, қўйидаги хулосаларни айтишимиз мумкин: “Барҳаёт- Бобур” мавзусидаги адабий кечани ўтказишида турли фан ўқитувчиларининг ҳамкорлигидан фойдаланиш:<sup>7</sup> ДТС ларида кўрсатилган зарур билим, малака ва кўнилмаларни кенгроқ эгаллашга ёрдам беради; ўрганилаётган материалларни тўлиқроқ, чуқурроқ тушунишга кўмаклашади; ўйлашга, фикрлашга, ижодий ишлашга ундайди; оғзаки ва ёзма нутқни ўстиради, мустақил-ижодий ишлаш малакаларини ривожлантиради; ўқувчиларнинг билимларини бойитади, изчиллаштиради, умумлаштиради; тафаккурни, тасавуруни, дунёқарашини ривожлантиради; маънавий дунёқарашини кенгайтиради, санъатга, Ватанга муҳабbat ҳисларини тарбиялайди; адабиётга, ҳаётга қизиқишлиарини, буюк алломалар, хусусан, улуғ бобомиз Заҳириддин Муҳаммад Бобур шахсига ҳурмат ва муҳаббатларин оширади; ватанпарварлик, инсонпарварлик, миллий анъана ва қадриятларимизга ҳурмат, ифтихор руҳида тарбиялашга хизмат қиласидилар.

6 Қодиров П. Юлдузли тунлар, Бобур: Роман. -Т.: Ўзбекистон, 1990. - 463 б.

7 Ҳасанов Ҳ. Бобир саъёҳ ва табиатшунос. - Т.: Ўзбекистон, 1983. - 626.-5.23.